

Закотга оид турли масалалар



12:45 / 12.06.2018 4692

Закотни иложи борича ўз вақтида берган яхши. Ҳар бир иш ўз вақтида бўлгани маъқуллиги ҳамма нарсага ҳам тааллуқли. Закотни вақтидан олдин бериш ҳам жоиз. Қанча олдин беришни хоҳласа, шунча олдин берилаверади. Аммо узрсиз бўлса, кейинга суриш мутлақо жоиз эмас. Узрли бўлса, хусусан, кўпчиликнинг фойдаси учун зарур вақтни кўзлаб кечга сурилса жоиз.

Закотни ажратгандан кейин у мол эгасининг айби билан зое бўлса, қайтадан ажратади. Агар бунда мол эгасининг айби бўлмаса, қайтадан ажратмайди. Закот фарз бўлган вақтда уни ажратмаган бўлса, неча йил ўтса ҳам, закотнинг фарзлиги соқит бўлмайди, чунки бу мискин ва фақирларга ҳақ ўлароқ, Аллоҳ таоло томонидан фарз қилингандир. Бу собит ҳақ бўлиб, вақт ўтиши билан соқит бўлмайди.

Закот фарз бўлганидан кейин мол эгаси вафот этиб қолса, агар меросхўрларнинг барчаси балоғатга етган бўлиб, розилик билдиришса, молдан закот чиқарилади. Закотни соқит қилиш учун турли ҳийлалар ишлатиш мутлақо мумкин эмас. Мол эгаси закотни топшириш учун ишончли ва омонатга хиёнат қилмайдиган одамни вакил қилса бўлади.

Уламоларимиз закотни очиқ-ойдин, айтиб берган афзал, дейишади, чунки бундан бошқалар ҳам ўртак олишади ва мол эгасининг закот берган-бермагани ҳақида ёмон гумонга боришмайди. Бу худди фарз намозни жамоат билан очиқ-ойдин ўқиш афзал эканига ўхшашдир.

Уламоларимиз закотни фақир кишига берганда унинг фақирлигини, ҳақдорлигини билатуриб, бераётган моли закот эканини айтмагани дуруст, дейишади. Имом Аҳмад ва Имом Молик: «Бу ишда фақирнинг кўнглини синдириш бор, шунинг учун макруҳдир», деганлар.

Турли ўлкаларнинг мусулмонлари уламоларга «Ҳозирги солиқларни закот ҳисобласа бўладими?» деган савол билан мурожаат қилишган. Жумҳур уламолар, жумладан, Ибн Ҳажар Ҳайсамий, аллома Ибн Обидин Ҳанафий, шайх Алийш, Саййид Рашид Ризо, шайх Маҳмуд Шалтут, шайх Муҳаммад Абу Заҳра ва бошқалар солиқлар ҳеч қачон закот ўрнига ўтмаслигини таъкидлашган. Зеро, закотнинг ўзига яраша шартлари борки, уларни юқорида ўрганиб чиқдик.

Закот билан солиқларни солиштириб кўрамиз:

1. Закотдан олинадиган миқдорни шариат ўндан бир, ўндан бирнинг ярми ёки чораги бўлишини тайин қилиб қўйган. Солиқда эса ҳукумат ўзи белгилаган миқдорни олади.
2. Закотда Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога ибодат қилиш нияти бор, солиқда бу ният мутлақо йўқ, бўлиши мумкин ҳам эмас.
3. Закот махсус саккиз тоифага бўлиб берилади. Солиқ эса бошқа мақсадларга ҳам сарфланади.

Кўриниб турибдики, ҳеч бир ҳолда солиқни закот деб бўлмайди. Тўғри, бу масала мусулмон кишига оғир келади. У ҳам солиқ, ҳам закот тўлаши керак. Лекин мусулмон учун Аллоҳ таолонинг амрини бажариш ҳамма нарсадан устун туради.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Мўминнинг нажоти китобидан)